


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўқитувчи: З.Ботирова

ДЕФЕКТОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА



Муаллиф: З.Ботирова

Тақризчи: Пед. фан. ном., доцент Л.Расулова

Тақризчи: ВПҚТМОИ ўқитувчиси - Д.Сайдова

СЎЗ БОШИ

Умумий ўрта таълим бошланғич таълимни ўз ичига рамраб олган. Таълимнинг бу тури ўқувчиларнинг фанлар бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Бошланғич мактабда боланинг билимлари, қобилияtlари ўрганилади, билим олиш истаги ва кўникмаси таркиб топтирилади. Янги авлодни шакллантириш ишларининг сифати аввало, мана шу босқичга боғлиқ. Шундай экан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари ниҳоятда пухта билимга эга, барча янгиликлардан хабардор бўлишлари керак.

1998 йил июнь ойидан бошлаб «Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психолого-педагогик ташхис марказлари» ўз фаолиятини бошлаб юборди. Марказнинг асосий вазифаларидан бири 6-7 ёшли болаларни мактабга тавсия этиш комиссияларини тузиб, мутахассислар ёрдамида Республика илмий-методик муассасалари тавсия этган методика ва тестлар асосида болаларни ўқишга етуклик даражасини тўғри ва илмий аниқлашда мутахассислар ва гурухлар фаолиятини мувофиқлаштириш, тегишли мезон талабларига жавоб берган болаларни мактабга тавсия этишдир. Мактабгача таълим ходимлари бола ривожланишида кузатилиши мумкин бўлган жисмоний ёки руҳий камчиликлар, уларнинг турлари, келиб чиқиши сабаблари, боланинг ҳолати, ташхис марказига уни қандай хужжатлар билан юбориш зарурлиги, ташхис марказида кимлар ишлаши, нима иш билан шуғулланиши, дефектолог учун қандай хужжатларни тайёрлаш кераклиги каби масалаларни хал қила оладиган бўлишлари керак.

«Дефектология асослари» курснинг вазифаси талабаларга алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ҳақида тушунча беришдан иборат. Аномал болалар категорияларини ўрганиш, болалардаги нуқсонларнинг келиб чиқиши сабаблари ва турини аниқлаш, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсони бўлган болаларни дифференциал на интеграциялашган таълимга жалб этиш, бошланғич мактабда ёрдамга муҳтож болалар билан корекцион инклузив таълимни амалга ошириш, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятида, зарур бўлганда, дефектологик билимларга таянган ҳолда ишни ташкил этиш, аномал болаларниш психофизиологик ривожланишидаги хусусиятларини ҳисобга олиш, уларки маҳсус муассасалар учун саралаш усувлари билан таништириб ўтишдан иборат.

Дефектология фани ва унинг вазифалари. Таянч иборалар

Дефектология- лотинча “дефект”- камчилик, нуқсон, юонча “логос” таълимот;

Аномал – юонча “аномалос” – норасо, одатдан ташқари деган маънони билдиради.

Сурдопедагогика – (лотинча - “сурдус” – кар, гунг сўзидан олинган) эшитиш қобилияти заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан.

Тифлопедагогика – (юонча “тифлос” - кўр, сўкир сўзидан олинган) кўриш қобилияти заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан.

Олигофренопедагогика – (юонча “олгос” - кам, “френ” ақл сўзидан олиган) ақли заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан.

Логопедия – (юонча “логос” сўз “педио” тарбия сўзидан олинган) оғир нутқ нуқсонларини ўрганиш, олдини олиш ва бартарааф этиш йўллари, усувларини ўрганадиган фан.

Компенсациялаш – билинмайдиган ҳолатга келтириш.

Коррекциялаш - нисбатан тузатиш, тиклаш деган маънони англатади.

Интеграл – мужассам, ажратиб бўлмайдиган қисм деган маънони англатади.

Дефектология фан сифатида

Тарихдан бизга маълумки, фалсафа фанининг таркибидан педагогика, психология, тарих, физиология ва бошқа кўплаб фанлар мустақил фан сифатида ажраб чиқди ва ривожланди. XIX-асрнинг бошларида фалсафа фанининг таркибидан педагогика мустақил фан бўлиб ажралиб чиқиши ва ривожланишига ғарб назариётчилари Ян Амос Каменский, К.Д.Ушинский, Иоган Генрих Песталоций ўз ҳиссаларини қўшган бўлсалар, Марказий Осиёда Шарқ алломалари Абу Носир Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Махмуд Қошғарий, Кайковус, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг хизматлари ҳам бекиёсdir.

Ўзбек педагогикасининг шаклланиши ва ривожланишида Бехудий, Мунаввар Кори Абдурашидхонов, Саидрасул Азизий, Шакурий, Ибрат, Абдулла Авлоний каби маърифатпарварларимиз ўзларининг катта хиссаларини қўшганлар.

Педагогика фани ривожланиб, унинг таркибидан дефектология мустақил фан сифатида XIX-асрнинг ўрталарида ажралиб чиқди ва ривожлана бошлади. Дефектология деярли янги фандир, 1925-йилда Москва шаҳрида Экспериментал дефектология институти ташкил қилинди ва уни буюк психолог Л.С.Виготский бошқарди. Л.С.Виготский аномал болалар рисожланишидаги хусусиятларни ўрганиб, нуқсон камчиликнинг тузилиши тўғрисидаги

таълимотни ўрганиб чиқди. У “Дефектологиянинг асосий муаммолари” номли китобида аномал болалар билан ривожлантирувчи таълимни олиб бориш кераклигини, коррекция ишларини олиб бориш йўлларини кўрсатиб берди. Шу билан Л.С.Виготиский дефектология фанининг асосчисидир.

1967 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳам дефектология фани ривожлана бошлади. Жумладан, Тошкентдаги Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги педагогика ва психология каедраси қошида олгофренипедагогика бўлими ташкил этилди. 1973 йилга келиб бу бўлимга сурдопедагогика бўлими ҳам қўшилди.

Кейинчалик дефектология фанининг ривожланиши натижасида ундан қуйидаги тармоқлар ажралиб чиқди:

1. Сурдопедагогика – (лотинча -“**сурдус**” – кар, гунг сўзидан олинган) эшитиш қобилияти заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан.
2. Тифлопедагогика – (юонча “**тифлос**” - кўр, сўқир сўзидан олинган) кўриш қобилияти заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан.
3. Олигофренопедагогика – (юонча “**олгос**” - кам, “**френ**” ақл сўзидан олиган) ақли заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан.
4. Логопедия – (юонча “**логос**” сўз “**педио**” тарбия сўзидан олинган) оғир нутқ нуқсонларини ўрганиш, олдини олиш ва бартарааф этиш йўллари, усусларини ўрганадиган фан.

Дефектология педагогик фандир. Классер усулига биноан дефектология қуйидагича ифодаланади:

Дефектология –лотинча “**дефект**”-камчилик, нуқсон, юонча “**логос**” таълимот, фан деганидир. У ижтимоий, педагогик фан бўлиб, нуқсони, камчилиги, руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларни, шунингдек, болаларнинг психофизиологик ривожлариш хусусиятларини ўрганади.

Дефектология фанининг баҳс мавзуи бу - **аномал** болалардир. Аномал болалар эса, руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болалардир.

Дефектология фанининг мақсад ва вазифалари.

Дефектология фанининг мазмунини - ривожланишида руҳий ва жисмоний нуқсони бўлган болалар таълим-тарбияси билан ишлашнинг мақсад ва вазифалари, принциплари, усул ва шакллари, методологияси, муаммолари ва уларни бартарааф этиш чора тадбирларини ўз ичига қамраб олган.

Дефектология фанининг мақсади - аномал (руҳий ва жисмоний ривожланишида нуқсоли) болаларга интеграцион, инклузив, дифференциал таълимни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни ўрганиш, улардаги психофизиологик камчиликларни иложи борича бартарааф этиш, тузатиш ёки

билинмайдиган ҳолатга келтириш усулларини белгилаш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш йўлларини ўқитувчи ва тарбиячиларга кўрсатиб беришдан иборатдир.

Юкоридаги мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда дифектология фани қуидаги вазифаларни белгилайди:

1. Аномалияning келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш;
2. Аномал (рухий ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган) болаларнинг психофизиолгик ривожланишдаги қонуниятларини, ҳусусиятларини ўрганиш ва керакли чора-тадбирларни белгилаш;
3. Аномал болаларнинг ҳусусиятларидан келиб чиқиб, инклузив ва деференциал таълимни ташкил этиш;
4. Аномал болалар таълим-тарбияси билан махсус шароитларда махсус дастур ва воситалар билан шуғулланиш;

Дифектология фанининг бугунги кундаги муаммолари:

1. Аномал болалар таълим-тарбияси билан шуғулланадиган аниқ дарслик ва методик тавсия, ўқув қўлланмаларнинг тўлиқ етишмаслиги;
2. Жисмоний нуқсонли болалар учун таълим-тарбия омилидаги махсус ускуна воситаларнинг етишмаслиги;
3. Махсус муассасалар ўқувчи ва тарбияланувчилари учун махсус меҳнат ва хунарга йўналтирувчи коллеж, ўқув ишлаб чиқариш корхоналарининг етишмаслиги;
4. Махсус таълим муассасаларида педагогик ходимларнинг етишмаслиги; (олий ўқув юртлари педагогика баъзасида дефектологиянинг барча йўналишлари бўйича бўлимларни ташкил этиш, шунингдек педагогика коллежларида ҳам шундай бўлимларни ташкил этиш зарур).
5. Амалда фаолият кўрсатаётган махсус таълим муассасаларининг педагогик ходимларини малакасини ошириш ишларига эътиборни кучайтириш; (Худудий ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари қошида).
6. Махсус таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган назарий ва услубий қўлланма ва тавсияларни ҳозирги замон педагогик технологиялари асосида тайёрлаш ва махсус муассасаларни таъминлаш;
7. Махсус таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга эришиш.

Дифектологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси

Маълумки, ҳар бир фан ўзи тарқоқ ҳолда ривожланмайди, балки бошқа фанлар билан ҳам узвий алоқада бўлади. Жумладан, дефектология ҳам

педагогика, психология, физология, тарих ва табиий фанлар билан яқиндан алоқада бўлиб ривожлпниб келмоқда.

Дефектология фани инсон ҳақидаги фанларнинг тараққиёти билан айниқса, педагогика фани билан билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг қонуниятларига таянади. Бу фанларнинг мақсад ва вазифалари ҳам бирдир. Умумий педагогиканинг мақсад ва принципларига бўйсунган ҳолда ўзининг маҳсус вазифаларини ишлаб чиқади. Шунингдек, дефектология фани психология ва физология фанлари билан ҳам яқин бўлиб, унда аномал болаларнинг психофизиологик ривожланиш ҳусусиятларини (рухий, жисмоний, ақлий ривожланишларини) ўрганади. Ҳар бир даврдаги аномал болаларнинг ривожланиши, ўтмиши, тарихини ўрганишда бевосита тарих фани билан боғланади.

Дефектология фанининг табиий фанлар билан боғлиқлиги, нуқсонли боланинг илк ёшдаги анатомик, физиологик ва руҳий маълумотларнинг зарурлигини тақозо этади. Шу сабабли дефектология фани анатомопатологик, патофизиологик, патопсихологик маълумотларга таяниши лозим. Айниқса асаб касалликлари психоневрологияси, ақли заифлик клиникаси, генетика, маҳсус психология маълумотларига асосланиши керак. Бу маълумотлар аномал болалар таълим-тарбиясида, уларни ҳаётга тайёрлашда бирмунча самарали усл ва воситаларни қидириб топишга ёрдам беради.

Аномал бола

Аномал – юнонча “**аномалос**” – норасо, одатдан ташқари деган маънони билдиради. Бундай болалар жисмонан ногирон болалар ҳисобланади. Улар, руҳий ривожланиши суст, нуқсонли камчилиги мавжуд туғма ва орттирилган аномал болалардир. Булар: кўр, кар ва соқов, ақли заиф ва оғир нутқий камчилиги бор болалардир. Қисқача айтилганда, руҳий ва жисмоний камчиликлари бор болалар “аномал болалар” дейилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, дефектология фанининг мақсади - аномал болалар учун дифференциал таълимни ташкил этиш учун шарт-шароитларни ўрганиш, улардаги психофизиологик камчиликларни иложи борича бартараф этиш, тузатиш ёки билинмайдиган ҳолатга келтириш усулларини белгилаш ва амалиётга тадбиқ этиш йўлларини тарбиячи ва ўқитувчиларга кўрсатиб беришдан иборатдир. Аномаллик ҳар хил бўлиб, уларнинг баъзилари батамом бартараф этилади, баъзилари қисман тузатилади, коррекцияланади, бошқалари эса билинмайдиган ҳолга келтирилади, яъни компенсацияланади. Бола нутқида қўйпол камчилик бўлса, тўғри ташкил этилган логопедик чораларни ўз вақтида қўриш йўли билан уни тўлиқ бартараф этиш мумкин.

Лекин дефектология амлиётида шундай анамалликлар учрайдики, уларни тузатиб ҳам, коррекциялаб ҳам бўлмайди. Масалан. Туғма кўрлик ёки карлик шулар жумласидандир.

Психолог олим профессор Л.С.Вигатский ўзиниг “Дефектологиянинг асосий муаммолари” номли китобида аномал болалар билан ривожлантирувчи таълимни олиб бориш кераклигини коррекция, компенсация усуллари ва

уларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб берди. Шунингдек, у аномал боладаги нафақат “салбий”, балки “ижобий” томонларни ҳам ўрганиб, аниқлаб, уларга таянган ҳолда потенциал қобилиятни инобатга олиб туриб, таълим-тарбия ишларини ташкил этиш зарурлигига диққатни жалб этди.

Унга асосан , аномал болаларнинг асосий категориялари қуидагилар:

1. Эшитиш қобилияти бузилган болалар - (карлар, заиф эшитувчилар, хеч эшитмайдиганлар);
2. Кўриш қобилияти бузилган болалар - (кўр, заиф кўрувчилар);
3. Нутқида нуқсони борлар (лагопадлар);
4. Ақлий ривожланиш қобилияти бузилган - (ақлан заиф болалар, руҳий ривожланиши суст болалар);
5. Руҳан ва жисмонан ривожланишда орқада қолган болалар - (кар ва кўр, соқов ва ақлан заиф);
6. Таянч ҳаракат системаси ишдан чиқсан болалар.

Шундай қилиб, аномал болалар нуқсони туфайли руҳий жиҳатдан орқада қолган ва маҳсус ташкил этилаган таълим-тарбияга муҳтож болалардир.

Бола шахсидаги жисмоний ва ақлий бузилиш уни ҳаётни англаш, идроки ва тафаккур фаолиятиниг ривожланишига бутунлай таъсир кўрсатади.

Аномал болалар ривожланишларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг бирламчи нуқсонларини пайдо бўлиш муддатига боғлиқдир. Мактабгача ёшдаги бўлган боланинг кўриш қобилияти йўқолса унда дунёни идрок этиш учун илк образларнинг содда кўриниши сақланиб қолса, мактаб ёшида кўриш қобилиятини йўқотган бола кўр бўлиб туғилган боладан ўзининг ривожланиши билан кескин фарқ қиласи.

Шунидай қилиб, аномал болалар ривожланишининг илк босқичидаёқ улардаги нуқсон, унинг сабаблари аниқланиб уни бартараф этиш йўллари амалга оширилиши лозим. Аномалиялариниг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиши мумкин:

- 1.Бош мия тўқималари тузилмасининг бузилиши;
- 2.Анолизаторлар фаолиятидаги нуқсонлар ёки умуман ишдан чиқиш.

Демак, аномалиялар келиб чиқиш турига кўра икки гурухга бўлинади:

а) туғма аномалиялар;

б)ҳаёт давомида оттирилган аномалиялар.

Биринчи гурух аномалиялар, болага эмбрионида ички ривожланиш орқали таъсир кўрсатади. Булар: турли инфекциялар, жисмоний ва руҳий зўриқиши, орагнизмнинг гиёхванд моддалари билан заарланиши, хомиладорлик давридаги турли касалликлар (юрак, буқоқ касали) киради. Шунингдек, онанинг нотўғри овқатланиши оқибатида эмбрионда озуқа моддалар углеводлар, витаминаларнинг етишмаслиги, боладаги нерв системасининг, эшитиш

қобилияти, жисмоний ва ақлий ривожланиши бузилишларининг сабаби – таксонлазма ҳисобланади. Уни қўзғатувчи микроблар – уй ҳайвонлари ва қушларда бўлиб, улар она организмидан болалага ўтади. Масалан, қизамиқ касали ёки қизил чечак болани – катаракта (кўзга парда тушиши) билан туғилишига сабаб бўлади. Ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши натижасида ҳам аномалия пайдо бўлади.

Иккинчи гурух аномалияларига организмнинг наслдан-наслга ўтувчи ирсий касалликлари киради. Унинг тарқатувчиси ота-она хромасомаларида жойлашган генлар ҳисобланиб, касалликни наслдан-наслга олиб ўтади. Шунингдек, баъзи кар соқовлик кўринишлари ва кўриш анализаторлари бузилиши ҳам генлар орқали наслдан-наслга ўтади.

Орттирилган аномалиялар ўз тоифасига кўра туғруқ олди ва туғруқдан кейинги ҳолатга бўлинади. Туғруқ олди бузилишларига механик таъсирлар, туғриқ олдидан зўриқиши, қон айланиш системасининг бузилиши, тўлғоқ пайтида хомилага кислород етишмаслиги ва хоказолар;

Туғруқдан кейинги аномалияларга боланинг илк ёшли пайтида оттирган касалликлари киради. Улар турли юқумли касалликлар, бактерия ва вируслар орқали шамоллашлар киради. Масалан, минингит билан оғриш, боланинг мия қисмининг шамоллаши унинг руҳий жиҳатдан орқада қолишига олиб келади. Поломиелит (нерв системасининг қаттиқ юқумли шамоллаши) – боланинг таянч ҳаракат системаларига ёки ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, аномалияларнинг келиб чиқиши сабабларининг энг муҳимлари қуйидагилар:

1. Яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ оқибати;
2. Ҳомиладорлик пайтида турли жароҳатлар олиш;
3. Бола она қорнида ривожланиши даврида онанинг турли юқумли касалликлар билан касалланиши;
4. Ҳомиладорликнинг кучли таксиқозлар билан кечиши;
5. Боланинг турли жароҳатлар билан туғилиши;
6. Боланинг илк ривожланиш даврида бош миянинг жароҳатланиши;
7. Чақалоқлик даврида унинг ривожига салбий таъсир этувчи юқумли касалликлар билан оғриши;
8. Ҳомиладорлик олдидан ёки даврида ота-она томонидан спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, чекиш, гиёҳвандлик ва хоказо.

Аномал боланинг туғилиши ва уни олдини олиш кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқ. Шунинг учун ота-оналар ҳар қандай касаллик асоратини ўз вақтида олдини олиш чора тадбирларини кўриши лозим.

Инклузив таълим ва унинг изазмуни

Маълумки, 1992-94 йилларда ЮНЕСКО томонидан “Махсус таълим зарурияти” номли хужжат тайёрланди. Унда асосан махсус таълимга муҳтоҷ

бўлган руҳий ва жисмоний ривожленишида нуқсони бўлган аномал болалар учун таълимни ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу таълим турида асосий ўринни маҳсус таълимни алоҳида ёрдамга муҳтоҷ кишиларга ташкил этиш масалалари, уларни қўлидан келадиган иш турларига ўргатиш, ўқитиш, тарбиялаш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, ижтимоий ҳаётга йўллаш масалалари кўриб чиқилди.

Бу таълим тизимида маълум шароит ятатиш кўзда тутилган бўлиб, агарда бола эшитмаса, уни эшитиш аппарати билан таъминлаш, юра олмаса маҳсус ногиронлар аравачаси билан таъминлаш ва хоказо, шунингдек, имтиёзлар яратиш, таълим учун хамкорлик, индивидуаллашган таълим тизими – “**инклузив**” таълим тизимини жорий этиш. “**Инклузив**” – жалб этиш деган маънони англатади. Инклузив таълим – жисмоний ва руҳий ривожленишида нуқсонли болаларни соғлом тенгдошлари билан ўзаро боғланиб, биргаликда таълим олишидир – соғлом ва аномал болаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги биргаликдаги фаолиятидир.

Маҳсус таълим муассасаларида инклузив таълимни амалга ошириш учун ҳар бир болага индивидуал ёндашиш, нуқсонидан келиб чиқан ҳолда унга маълум бир шароит яратиш, керак бўлса дастур ва режани қисман ўзгартириш зарур. Токи аномал бола унинг мазмунини тушунсин, осонроқ ўзлаштира олсин.

Жисмоний ва руҳий ривожленишида нуқсонли болаларни оддий боғча ва мактабга жойлаштириш интеграция йўлидаги биринчи қадамдир.

Интеграл – мужассам, ажратиб бўлмайдиган қисм деган маънони англатади. Ҳар бир бола соғлом ёки аномал бўлишидан қатъий назар таълимга жалб этилиши зарур. Интеграциялашган жамиятда барча тенг хуқуқقا эгадир. Бу “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларида қайд этилган. Инклузив таълим асосида интеграциялашган таълим масалалари пайдо бўлди. 2001 йилда ЮНЕСКО “Хамма учун таълим” дастурини қабул қилди. ЮНЕСКО нинг бу дастурини Ўзбекистон ҳам маъқуллади ва бу дастур амалиётга жорий этилди. Ҳозирги кунда инклузив таълим мазмунига кўра, мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларида соғлом болалар билан бирга маҳсус таълим муассасалари тарбияланувчи ва ўқувчилари ҳамкорликда таълим-тарбия олмоқдалар. Маҳсус таълим муассасалари тарбияланувчи ва ўқувчиларига умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан биргаликда таълим-тарбия олиш хуқуқи, яъни эркин тинглаш, иштрок этиш хуқуқи берилган.

Аномал болаларни инклузив таълимга жалб этиш учун қилинадиган ишлар ва талаблар қуйидагича:

1. Аномал бола уйига ва ўзига қулай боғча ёки мактабга қатнайди;
2. У ерда таълимий-тарбиявий ишларни синф раҳбари амалга оширади;
3. Ҳар бир мактабда маҳсус тайёрланган ресурс ўқитувчи бўлиб, у синф раҳбарида маслаҳат беради ва кўмаклашади;
4. Маҳсус ўқитувчи ускуна ва аппаратлар билан таъминлайди;

- 5.Ота-оналар ва ўқитувчилар билан тушунтириш ишларини амалга оширади;
- 6.Дарс жадвали ва дастурга керакли ўзгартиришларни киритади ва уни асослаб беради;
- 7.Ўқитувчилар малакасини оширади, билим маҳоратини бойитади;
- 8.Соғлиқни сақлаш хизматларини ташкил этади, қулай психологик мұхитни яратади;

Дефектология фанининг тармоқлари.

Сурдопедагогика – эшлиши нұқсонлари бор болалар таълим –тарбияси

Таянч иборалар:

Тифлология – күр (сүқир) – деган маңони англатади.

Тотал күрлик - күриш қобилиятининг кескин камайиши.

Коррекция - күзойннак танлаш.

Офтальмолог - күз касаллуклари врачи.

Асфиксия – бўғилиш. (Туғилиш вақтида бола организмига кислород етишмаслиги).

Интоксикация – турли заҳарли моддалар.(Хомиланинг бачадонда ўсишига салбий таъсир этувчи микроблар).

Маълумки, дефектология фанининг бир неча тармоқлари мавжуд. Булардан бири Сурдопедагогика, яъни эшлишида нұқсони бўлган болалар таълим-тарбияси билан шуғулланадиган тармоғи. Эшлиш анализаторлари нутқ фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг қайси бири издан чиқса, иккинчисига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, эшлиш нұқсони бўлган болалар билан ўз вақтида коррекция ишлари олиб борилмаса, у нутқдаги талаффузига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Эшлиш нұқсони тузилишига кўра иккига: а) **туғма**, б) **оттирилган** бўлади. Туғма бузилишлар келиб чиқишига кўра наслий бўлиб, боланинг она қорнидаги даврида юқумли касаллуклар билан оғриши натижасида вужудга келади. Ортирилган тури эса, боланинг юқумли касаллуклар: мия пневманияси, грипп, қизимиқ, тепки вахоказо натижасида пайдо бўлади.

Сўнги йилларда эшлиши қобилияти пасайган болалар сони илк ёшданоқ грипп ёки шунга ўхшаш юқумли касаллуклар ҳисобига ортиб бормоқда.

Сурдопедагогикада эшлишида нұқсони бўлган болалар – кар, соқов, заиф эшичувчи бўлиб қолган болалар гурухига бўлиб ўрганилади.

1- гурух болалар: туғма, ҳали тили чиқмаган гўдаклик даврида иккала қулоқнинг умуман эшитмаслиги натижасида туғма кар-соқовликка олиб келади. Бундай болалар билан олиб бориладиган коррекция ишлари деярли ижобий натижа бермайди.

2- гурух болалар: эшитиш қобилияти қисман бузилиши натижасида нутқий нуқсонга учраган заиф эшитувчи болалар; Булар туғма эмас, балки оттирилган нуқсондир. Бундай болалар билан олиб бориладиган коррекция ишлари натижасида нуқсон бартараф этилиши мумкин.

3- гурух болалар: нутқ ривожланиб бўлгандан кейин яхши эшитмайдиган бўлиб қолган болалар тоифаси. Буларда нутқ ривожланган бўлади, ўткир юқумли касалликларга учраш, грипп касаллиги асоратида, антибиотик дориларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш оқибатида бола кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолади.

Кар-соқов болаларнинг 25-30%ида эшитиш нуқсонлари туғма бўлади. Бунинг сабаби: онанинг ҳомиладорлик даврида турли касалликларга учраши, ота-онанинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, онани билиб-билмай антибиотик дориларни истеъмол қилиши;

Сурдопедагогикада эшитиш нуқсонига эга бўлган болалар маҳсус шароитда, маҳсус усуслар билан ўқитилиши ва тарбияланиши зарур. Эшитиш нуқсонининг енгил даражалари ҳам боланинг ривожланишага салбий таъсир қўрсатади, уларда нутқ бузилиши аломатлари пайдо бўлади. Натижада болани хотираси пасайди, атрофдагиларнинг овозини эшитмайди, кар-соқов бўлиб қолади. Бундай болалар билан вақтида коррекцион ишлар олиб борилмаса, келажакда унинг ақли заиф бўлишига олиб боради. Натижада бола мужассам нуқсонли болалар қаторига қўшилиб қолади. **Мужассам нуқсонли болалар** - бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ нуқсонли болалар тоифасидир.

Сурдопедагогикада заиф эшитувчи болалар эшитиш қобилиятининг қай даражада бузилганлигига қараб **“енгил”, “ўрта”, “оғир”** даражаларга бўлинади.

Енгил –даражадаги заиф эшитувчи болалар 6-8 метр масофадан эшитади. Овоз чиқармай шивирлаб гаптрилганда 3-6 метр масофадан эшитади.

Ўрта - даражадаги заиф эшитувчи болалар овоз чиқариб гапирилганда 1-3 метрдан эшитади.

Оғир - даражали заиф эшитувчи болалар ўрта меъёрдаги овоз билан гапирилганда 2 метр, шивирлаб гапирилганда эса, 0,5 метрдан зўрға эшитади холос.

Тифлопедагогика–кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар фаолияти

Тифлопедагогика – (юононча **“тифлос”** - кўр, сўқир сўзидан олинган) кўриш қобилияти заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан. Кўриш - сезги органининг бир тури бўлиб, у инсоннинг руҳий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Кўриш анализатори кўз орқали бола ташқи оламни кўради ва идрок этади.

Тифлопедагогика – кўзи ожиз болалар кўр (сўқир), яхши кўра олмайдиган заиф кўрувчи, кўзи хира кўрадиган болалар гурухига бўлинади.

Кўр (сўқир) – болаларнинг қўриш қобилияти кескин камайган (тотал кўрлик) ёки коррекция қўлланганда (кўзойнак тутилганда) ҳам қўриш ўткирлиги 0.04 гача пасайган бўлади ва бу болалар ҳаётда кўр бўладилар. Кўрлик тузатиб бўлмайдиган касаллик. Бундай боланинг таълим тарбиясида товуш муҳим ролни эгаллайди. Уларда нуқсонсиз бола каби барча психик жараёнлари яхши ривожланган бўлади. Лекин қўриш нуқсони ўқиш эмоционал руҳий ҳолати ва характерга заарли таъсир кўрсатади. Кўзи ожиз бола махсус ташил этилган ўқитиш орқали яъни, тери сезиш, эшитиш, ҳаракат органлари орқали билим олади. Бунинг натижасида унда ихтиёрий диққат, тафаккур, нутқ, мантиқий хотира шаклланади ва ривожланади.

Яхши кўра олмайдиган заиф кўрувчи – бу гуруҳдаги бола атров-муҳитни идрок этади, кўра олади. Кўриш ўткирлиги 0.05дан бўлиши 0.4 гача бўлиши мумкин. Улар заиф кўрувчи болалар учун махсус ташкил этилган махсус мактабларда ёки соғлом тенгдошлари орасида таълим олишлари мумкин. Заиф кўрувчи болалар махсус боғча ва мактабларда таълим-тарбия олганлари маъқулроқ бўлади. Чунки бундай муассасаларда ўқитиш ишлари турли махсус воситаларда (харфларни катталаштириб кўрсатувчи оптик воситалар, лупалар ва махсус босилга дарсликлар, турли ёритгичлар) фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Махсус мактабни томомлаган болалар кўриш қобилияти заиф болалар қобилиятига кўра олий ўқув юртларида ўқишлари мумкин, заиф болалар жумҳурияти, кўрлар жамияти қошидаги муассасаларда, корхона ва фабрикаларда фаолият кўрсатадилар.

Кўриш нуқсонлари келиб чиқиши сабабларига кўра:

а) туғма; б) оттирилган бўлади.

1 – гуруҳга: кўзи ожиз ва туғилгандан кейин 3 ёшгача бўлган давр ичидаги кўриш қобилияти бузилган болалар киради. Туғма нуқсонларни келиб чиқишига ирсий касалликлар, хомиладор аёлнинг қизилча касалликлари билан оғриши, мия ўсмаси ва хомилани заарланишидир.

2 – гуруҳга: кейинчалик ташқи муҳит таъсирида кўзи кўр бўлиб қолган болалар, улар хотирасида кўриш тасаввурлари қолган бўлади, улар хотираси орқали эслайдилар. Орттирилган кўриш аномалиялари кўз ичи босимининг кўтарилиб кетиши, чечак, сузак ва бошқа касалликлар оқибатида пайдо бўлади. Ҳозириги кунда бундай аномалиялар кам учрайди. Бунига сабаб тиббиёт соҳасидаги эришилган ютуқлар.

Олигофрен болалар таълим-тарбияси

Олигофренопедагогика – (юононча “олигос” - кам, “френ” ақл сўзидан олинган) ақли заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан. Олигофрен болалар - марказий нерв системасининг органик касалликлари натижасида билиш фаолияти пасайиб кетиши натижасидир.

Ижтимоий ҳаётда “аклан заиф” деган ибора билан юритилади ва бу нуқсон турли потологик ўзгаришларнинг ўтиши ва бола бош мияси, хотираси

шикастланиша ёки бошқа ирсий, рухий, жисмоний таъсир натижасида вужудга келади. Ақлий қолоқликни аниқлашда **клиник**, **психологик** ва **педагогик** мезонлардан фойдаланилади.

Клиник мезонлар – бу марказий нерв системасининг органик касалликларга алоқадорлигини ифодалайди.

Психологик мезонлар – билиш фаолиятининг турғун бузилганлиги, психик ҳолатларнинг суст ривожланганлигини белгилайди.

Педагогик мезонлар – ўзлаштириш қобилияти паст бўлиб, боланинг дастур материалларини ўзлаштира олмаслини аниқлайди.

Ақлий заифликни келтириб келтириб чиқарувчи сабаблар қуйидагича:

Ҳомила даврида турли салбий таъсир этувчи инфекция, интоксикация - микроблар тушиб қолиши ва жароҳатлар;

1. Туғилиш вақтидаги жароҳат ва асфиксия;
2. Чақалоқнинг илк ёшли пайтида салбий таъсир этувчи юқумли касалликлар билан оғриши ва овқатлинишининг бузилиши;
3. Ота-оналарнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, онанинг хомиладорлик даврида юқумли касалликлар –оғир вирусли грипп, тиф, қизилча билин оғриши;
4. Туғруқ вақтининг узоқ чўзилиб кетиши ёки аксинча тез ўтган туғруқ натижисида;
5. Турли ирсий йўллар билан хромосома генлари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келадиган касалликлар.

Ақли заифлик нуқсонининг З ҳил даражаси мавжуд бўлиб, булар: **дебиллик**, **инбэциллик** ва **идиотик**.

Дебиллик – бирмунча енгил даража бўлиб, олигофрениянинг энг кўп тарқалган туридир. Бу болаларни саралаш вақтида бирмунча қийинчиликларга дуч келиш мумкин, сабаби ақлий нуқсон у даражада чукур эмас. Бу болалар ташки кўринишидан соғлом болаларга ўхшаб кетади. Уларда нисбатан ҳиссиёт, ирода сифатлари яхши сақланганлиги натижасида ўзларини-ўзларини назорат қила оладилар. Уларнинг аксарияти ўқиши оммавий мактабларда бошлайдилар лекин қисқа вақт ичida улгурмовчи болалар қаторига кириб, ДТС талабларини бажара олмайдилар. Бу болалар фахм-фаросат билан боғлиқ ишларда жуда қийналадилар, буларнинг аксарияти босиқ бўлади, айримлари эса инжиқ, баъзан шўх бўлиб, уларга педагогик таъсир кўрсатиш деярли қийин кечмайди. Топшириқларни ўз вақтида бажарадилар, яхши гап билан тарбиялаш мумкин. Бу болаларнинг соғлом болалардан фарқи – ихтиёрий мураккаб харакатлар унча ривожланмаган бўлади, улар бошини тутиш, ўтириш, юришга кечроқ ўрганадилар, нутқлари ҳам кеч ривожланади, товушларни нотўғри талаффуз қиласадилар. Арофдагиларнинг содда нутқларини тушунадилар, лекин мураккаб сўз ва ибораларни фахмлай олмайдилар. Ўйин фаолиятида ҳам соғлом болалардан ажралиб турадилар, ўйиннинг мазмунини тўлиқ тушунмайдилар.

Математика дарсларида қийналадилар. Дебил болалар психодиспансер кўригидан ўтиб, 316 шифр билан ёрдамчи маҳсус меҳнат мактабларига ўқишига қабул қилинадилар.

Инбециллик ва идиотик - болалар ҳам олигофрения йўналишининг энг оғир руҳий ривожланиши суст бўлган болалар тоифасига киради. Булар ҳам психодиспансернинг психиатр кўригидан ўтиб, 318-319 шифр билан маҳсус интернатларга жалб қилинади. Улар маҳсус ёрдамга муҳтоҷ бўлиб, доимо тарбиячи назоратида бўладилар. Имбецил болаларнинг баъзилари ёрдамчи маҳсус меҳнат мактабларида ҳам учраб туради. Идиот даражадаги болалар хатто ўз ота-оналарини ҳам танимайдилар. Улар нима қилаётгандарини, ишнинг натижаси, оқибатини нима билан якунланишини ҳам англамайдилар. Имбецил тоифасидаги болалар идиот болаларга қараганда нисбатан яхшириқ ривожланган бўлсада, лекин улар ҳам мустақил ҳаёт кечира олмайдилар. Уларни ўз-ўзига хизмат қилишига йўналтирилади, меҳнатнинг ҳам содда ҳам енгил тури белгиланади. Масалан: гулларни парвариш қилиш, картонлардан кутичалар ясаш, ҳовлини супуриш, синфни тозалаш ва хоказо.

Руҳий ривожланиши суст бўлган болалар таълим-тарбияси

Олигофрен тоифасидаги болалар орасида руҳий ривожланиши суст бўлган болалар ҳам бўлиб, уларнинг билиш фаоляти, мантиқий тафаккури, идроки, хотираси, ихтиёрий дикқати, иш қобилияти заифроқ бўлади. Бизга маълумки, шахснинг шаклланишида З хил омил таъсир кўрсатади:

1. Биологик омил;
2. Таълим-тарбия;
3. Ташқи муҳит.

Бундай болаларнинг шахс сифатида шаклланмай қолишига марказий нерв системасининг касалликлари, педагогик қаровсизлиги, оиласвий можаролар, нотўғри, ноқобил оиласда тарбияланганлик натижасида болалар руҳий ривожланиша суст болалар қаторига киради.

Бундай болалар ақлан заиф эмас, балки улгурмовчи болалардир. Руҳий ривожланиша суст болалар болалар ақлий даражаси жиҳатидан 2 гурухга бўлинади:

1. гурух: **Енгил нуқсони бор болалар** – Булар маҳсус шароитда 1-3 йил таълим-тарбия олганларидан кейин ўқиши оммавий мактабларда давом эттириши мумкин.
2. гурух: **Руҳий ривожланиши сезиларли даражада орқада қолган болалар** - улар учун маҳсус мактабни битиргунга қадар маҳсус шароитда таълим-тарбия оладилар.

Бу болалар ДТС талбларини бажара олмайдилар, шунинг учун уларнинг руҳий ривожалнишлари янада сустлашади ва уларнинг қалби ва ҳатти-харакатларида айrim салбий иллатлар пайдо бўлади.

Руҳан суст ривожланиш клиник психологик жиҳатдан қуидаги турларга бўлинади:

1. **Конституционал** – бола гавдасида камчик бўлиши, ўзини кичик болаларга ўхшаб тутиши, таълим-тарбия олишга тайёр эмаслиги. Бундай

болалар ўқув фаолиятига тез кириша олмайдилар, анализ-синтез қобилиятлари яхши ривожланмаган бўлади, дарсда тез чарчаб қоладилар, фаоллик етишмайди, бош оғриги кузатилади.

2. Сомотогин – Илк ёшдан бошдан бошлаб турли ҳил сурункали касалликлар билан тез-тез касал бўлиб туриши натижасида бола ривожланмай қолади. Руҳий ривожланганликнинг **саматик шакли** деб юритилади. Бу болаларда сурункали инфекциялар, аллергик ҳолатлар, туғма парок каби касалликлар учраб туради. Айрим болаларда бўйининг ўсмай қолиши кузатилади ва улар психикасида неврозга ўхшаш ҳолатлар кузатилади. Шунингдек, уларда ўз кучига ишонмаслик, кўрқоқлик, инжиқлик, эркалик, қизиқишнинг сустлиги каби аломатлар ҳам кузатилади.

3. Психоген – Боланинг ilk ёшдан бошлаб ноқулай, нотўғри, нокобил тарбия шароитида ёмон мухитда тарбияланиши. Ақл идрок, билиш жараёнларига алоқадор камчиликлардан келиб чиқади. Нотўғри тарбиялаш, педагогик қаровсизлик оқибати болалар психикасига салбий таъсир кўрсатади. Бунга асосан, бош мия касаллиги, ривожланмаганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Психоген касаллигининг келиб чиқиши сабаби З гурухга бўлинади:

1- гурух – бола тарбияси билан умуман шуғулланмаслик, уни ўз ҳолига ташлаб қўйишилик. Бу болаларда масъулият бўлмайди, билиш фаолияти ривожланмай қолиб кетади, билимларни ўзлаштира олмайди.

2- гурух - болани ҳар томонлама эркалатиш, мустақилликни тарбияламаслик, кўнглига хаддан ташқари қараш оқибатида руҳий ривожланишдан орқада қолади.

3- гурух – болага қўпол муносабаттда бўлиш, жисмоний жазо турларини кўп қўллаш, қаттиққўллик, дўқ-пўписа қилиш, сўкиш ҳамда ота-онанинг анкоголизм билан шуғулланиши ҳам боланинг руҳий ривожланишининг орқада қолишига олиб келади.

Шунингдек, психоген касаллигининг келиб чиқишига болаларнинг асаблари тез чарчаши, мухитнинг салбий таъсир кўрсатиши, ота-оналарнинг хомиладорлик даврида турли наркотик, анкоголизм, турли антибиотик дориларни исиеъмол қилиши руҳий ривожланиши суст бўлишига олиб келади.

Ҳаракатланиш аъзолари жароҳатланган болалар таълим-тарбияси.

Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар полиолит - (шол касаллиги асорати) ҳаракат-таянч аъзоларининг турли туғма ва орттирилган ортрогрипоз - оёқ-қўларнинг мажруҳлиги, охондроплазия – тана, бўйин, бошнинг нормал ривожланаётган бир пайтида туғма оёқ,-қўл суяклари ўсишининг орқада қолиши, миопатия – мушак тўқималарида модда алмашинуви билан боғлиқ бўлган ирсий касаллиқда мушакларнинг яхши қисқармаслиги, қўл оёқларнинг ҳаракатга келмаслиги касаллигидир.

Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болаларнинг аксариятида мия фалажи кузтилади. Онанинг ҳомиладорлик даврида турли ҳил касалликлар билан касалланиши, туғилиш пайтидаги потологик ўзгаришлар, туғилгандан то бир ёшгача бўлган давр мобайнида боланинг оғир касалликлар билан касалланиша, болаларга тавсия этилмайдиган турли антибиотик дориларни

меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, бош миянинг ҳаракатланиш зоналарини шикастланиши. Буларнинг натижасида ривожланиш кечикади ва бузилади, болада нутқий моторикаси (ҳаракатчанлик) фаолияти бузилади. Нутқнинг ривожланмаслиги боланинг интелектуал даражасини ривожланишини сусайтиради.

Болалар мия фалажининг энг кўп учрайдиган шакли бу **спастик диплегиядир**. **Спастик диплегия** – қўл ва оёқ ҳаракатларининг бузилиши, оёқ қўлга нисбатан қўпроқ жароҳатланади. Бу касаллик билан оғриган болаларда фикрлаш қобилияти яхши ривожланмаган бўлади, жисмоний ва ақлий ривожланишнинг айрим ўзига хос ҳусусиятларида қийинчиликлар сезилади ва маҳсус ёрдамнинг ташкил этилишини талаб қиласди.

Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан маҳсус муассасаларда ҳаракат функциясини коррекциялаш ишларини амалга оширилади. Бунга табиий дори-дармонлар билан даволаш, физиотерапея, ортопедик муолажалар, уқалаш, массаж, даволовчи гимнастика, жисмоний дарбия меҳнатга ўргатиш ишлари киради. Масалан, физиотерапевтик муолажалар – мушак тонусини масайтиришга, мушакда қон айланишини яхшилашга қаратилса, ортопедик муолажалар – боланинг ҳаракат-таянч аъзолари бўйин, гавда ҳаракатини яхшилаш, керак бўлса зарур мосламалардан фойдаланиш учун йўлга қўйилади.

Медико-педагогик комиссиянинг хulosаси асосида Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар инклузив таълим олишга ёки маҳсус таълим муассасаларига юборилади. Ҳаракат-таянч аъзолари жароҳатланган болалар 1-11 гурух ногиронлари бўлиб, уларни ишга жойлаштириш ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига юклатилади.

Мужассам нуқсонли болалар

Статистик маълумотларга кўра дунёдаги 500 млн. аҳолининг 10% и ногиронлардан иборатdir. Буларнинг таркибига мужассам нуқсонли аномал болалар ҳам киради. **Мужассам нуқсонли аномал болаларда** - бир неча нуқсон биргаликда кузатилади. Бу касалликнинг келиб чиқиши сабаблари қуйидагича:

1. Никоҳдаги яқин қариндош уруғчилик;
2. Қизлар, аёллар ўртасида учрайдиган спиртли ичимликлар ичиш;
3. Наркотик моддаларни истеъмол қилиш, сигарета чекиш;
4. Шифокор маслаҳатисиз антибиотик дориларни истеъмол қилиш;
5. Экалогиянинг бузилиши.

Мутахассисларнинг таъкидлашича 400 дан ортиқ дори-дармонлар ҳомила ривожланишига (дастлабки 1-2 ойлар давомида) салбий таъсир кўрсатар экан. Мужассам нуқсонли аномал болалар тоифаларига кўр-кар-соқов болалар ҳам киради. Бундай тоифа жуда мураккаб ҳисобланади, улар теварак-атрофдан ахборот олишдан деярли маҳрум бўладилар. Натижада уларнинг ақлий камолот даражаси ривожланмай орқада қолиб кетади. Лекин улар билан маҳсус ташкил этилган машғулотлар асосида интелектуал ривожланиш имкониятига эга бўладилар.

Логопедия фани, унинг мақсад ва вазифалари

Логопедия фан сифатида, унинг мақсад ва вазифалари.

XIX аср ўрталарида педагогика фани таркибидан дефектология фани ажраб чиққан бўлса, XIX аср охирига келиб логопедия фани дефектология фани таркибидан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди.

Логопедия – (юонча “*λόγος*” сўз “*πεδίον*” тарбия сўзидан олинган) оғир нутқ нуқсонларини ўрганиш, олдини олиш ва бартарааф этиш йўллари, усулларини ўрганадиган фан. Логопедия педагогик фанлардан бири бўлиб, у нутқ камчиликлари ва уларнинг сабабларини ўрганиш, олдини олиш, коррекциялаш, яъни тузатиш, нутқ камчилликларини бартараф этишдир. Дефектология фанининг баҳс мавзуи – аномал болалар бўлса , **логопедия фанининг маҳс мавзуси** – нутқида камчилиги бор болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнидир.

Логопедия фанининг мақсади – турли ҳил нутқ фаолияти: оғзаки, ёзма нутқдаги камчиликларни мустақил гапириш жараёнида, ўйинларда, ўқитиш жараёnlарида талаффуз нуқсонларини бартараф этиш, йўқотишидир.

Ҳозирги замон логопедиясига мактабгача ёшдаги болалар, мактаб ёшидаги болалар, ўсмирлар ҳамда катталар логопедияси киради.

Логопедия фанининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Турли хил камчилиги бор шахсларнинг нутқ фаолиятини антогенезини ўрганиш;
2. Нутқ камчиликлари сабаблари, уларнинг турлари, келиб чиқиши механизмларини ўрганиш даражасини аниқлаш;
3. Эшитиш, кўриш фаолиятини бола шахсияти, хулқ-атвори руҳий ривожланишига таъсирини ўрганиш;
4. Эшитиш, кўриш ва бошқа камчиликларга эга бўлган аномал болалар нутқий фаолиятининг ахволи, эшитмовчиликларини ўрганиш, аниқлаш;
5. Нутқ камчиликларини аниқлаш йўллари, усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;
6. Нутқ камчиликларини тизимга солиш, таснифлаш;
7. Нутқ камчиликларини олдини олиш, бартараф этиш тамойиллари, усуллари шаклларини белгилаш, ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
8. Логопедик машқларни ташкил этиш масалаларини белгилаш;
9. Логопедик ишларни олиб борища болаларни ўзига хос ҳусусиятларини, физиологияларини ўрганиш, аномал тоифалари даражаларини ҳисобга олиш, логопедик машғулотларни маҳорат, санъат билан ташкил этишдан иборат.

Нутқ нуқсонлари ҳақида умумий маълумот

Логопедия фанида нутқ нуқсони деб – тил меъёридан четга чиқиш, бузилишига айтилади. Логопед О.В.Правдина ўзининг “Логопедия” китобида нутқ нуқсонларини қўйидагича характарлайди:

1. Нутқ нуқсонини олидини олмаса у ўз-ўзидан яхши бўлмайди, аксинча ёмонлашиб боради;
2. Нутқ нуқсони гапирувчининг ёшига мос келмайди;
3. Нутқий нуқсони бўлган болалар логопеднинг ёрдамига муҳтож бўлади;
4. Оғир нутқий нуқсони бўлган болалар нафакат нутқига, балки, унинг умумий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Нутқ нуқсонлари ёш болаларда кейинчалик йўқолиб кетади лекин катталарда бундай ҳодисалар асосан чарчаш, ҳаяжонлашиши, асабийлашишдан келиб чиқади.

Нутқ нуқсонлари 2 ҳил бўлади:

1. Органик нутқ нуқсонлари;
2. Функционал нутқ нуқсонлари.

Органик нутқ нуқсонлари – нутқий анализаторларнинг тузилишидаги камчиликларга алоқадор бўлиб, бу анализаторнинг қайси бўлимида шикастланганилигига қараб, марказий ёки периферик бўлиши мумкин.

Функционал нутқ нуқсонлари – бу нотўғри тарбия, ота-она тарбиячи ёки ўқитувчи нутқидаги камчиликларга тақлид қилиш орқали вужудга келади. Функционал нутқ нуқсонлари нерв жараёнлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, анализатор фаолиятидаги бошқа камчиликлардан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Соғлом болаларнинг нутқ ривожланиши

Соғлом болаларда нутқ ривожланиши боланинг илк чақалоқлик давридги чинқириб йиғлишига ҳам боғлиқ бўлиб, чақалоқнинг ўсиши учун, нафас ва нутқ аппаратини ривожланишида, мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнайди.

Қақалоқ 2-3 ойлик бўлганида чинқириб йиғлаш бирга “а”, “у”, “агу” каби товушларни айта бошлайди, натижада боланинг нутқ аппарати ўсиб боради.

Қақалоқ 3-4 ойлик бўлганида уни аста секинлик билан тили чиқа бошлайди, айрим товушлар пайдо бўла бошлайди. Бу жараёнда албатта катталарнинг таъсири муҳим рол ўйнайди, уларнинг товушларини эшитиб боланинг англаш жараёни ривожланади.

Бола 7-8 ойлик бўлганида катталарнинг товушларига нисбатан жавоб тариқасида ҳаракат қила бошлайди. Масалан, “ая қани?” дейилганда у онаси томонга қарайди ва хоказо.

9-10 ойлик даврида бола товушлар бирикмасига тақлид қила бошлайди, бола нутқ талаффузи деярли яхшироқ ривожланади. У товушларни эшитиши билан уни нутқ талаффузи ривожлана боради. Ҳулоса шуки, болаларнинг туғилишидан токи 1 ёшгача бўлган даврида товушлар чиқариб, товуш бирикмалари талаффуз қилиб туриши нутқ аппаратининг фаолиятида тайёргарлик даври бўлиб ҳисобланади.

Бола товушларни бир-бирига қўшиб, нарсаларнинг номини ва ўз фикрларини ифодалашга кириш давридан бошлаб нутқни эгаллай бошлайди. Бу билан боғлиқ ҳолда боланинг тафаккури ҳам ўсиб боради.

Бола нутқининг фонетик ва грамматик тузилишининг ўсиши

Бола тилга кирган дастлабки пайтларда нутқ товушларини ҳали мукаммал айта олмайди. Улар баъзи сўзларни нотўғри талаффуз қила бошлашади. Масалан, товушларни бузиб, бошқасини қўйиб талаффуз қиладилар: қани - ани, қанд - анд, оёқ - олоқ, копток - опток вахоказо.

Баъзан болалар хатто нафақат товушларини балки бўғинларни ҳам тушириб қолдирадилар. Масалан, бер дейиш ўрнига бе, олиб кел ўрнига абе, сариёғ ўрнига саййо деб талаффуз қилишади. Бунда бола нутқининг фонетик жиҳатдан тўлиқ бўлмаслигига сабаб, нутқ аппарати етарли ўсмаган, этилмаганлиги ва олий нерв фаолиятининг номукмаллиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бола 2 ёшга етган сари сўз бойлиги тезлик билан ортиб боради 250-400 га етади, 7 ёшга тўлганда эса, луғатидаги сўзлар сони 3000 -3500 боради. Бола нунқининг бу даврларда ривожланиб бориши унинг муҳити ва таълим-тарбия жараёнига боғлиқ бўлади.

Болалар нутқининг грамматик томонига эътиборни қаратадиган бўлсак, болаларнинг дастлабки гаплари бир сўздан иборат бўлади. Бу гаплар бир неча маънога эга бўлиши мумкин, масалан, бола “копток” дейиши билан у “котокни менга бер”, “ана коток” деган бошқа маъноларни англатиши мумкин.

2 ёдан 3 ёшга қадам қўйган сари бола она тилисининг грамматик тузилишини тезда anglay бошлайди. Айниқса 2 ёшга етганда “оз”, “кўп”, “катта” ва “кичик” тушунчасини жуда эрта фарқ қила бошлайди. Лекин. Бола қаратқич келишиги ўрнига тушум келишигини қўшимчасини ишлатади.

2 ёшда болалар содда гаплар туза бошлайдилар, улар мустақил сўз ясай оладилар, ўзлари билган сўзларнинг шаклларига ўхшатиб, сўз туза бошлайдилар масалан, “нон”, сўзини “нанна”, “ош” сўзини, “ашиш” вахоказо. Болалар шу тариқа она тилисининг грамматикасини эгаллаб, сўз бойликларини орттириб борадилар. Тўғри ташкил этилган муҳит ва таълим-тарбия натижасида 7 ёшга етганда оғзаки нутқининг грамматикасини тўлиқ эгаллаб олади дейиш мумкин.

Мактабда ўқитилаётган барча фанларни ўзлаштириб бориши жараёнида ўқувчи нутқининг луғат бойлиги кўпаяди, сўзларнинг мазмуни чукурлашади ва кенгаяди, сўз ва атамаларнинг маъноси равшан бўлиб қолади. Таълим жараёнида ёзма нутқни тўғри anglay борадилар ва ўз фикрларини ёзма нутқ билан ҳам баён қилиш ва бошқаларга тушунтиришни ўрганадилар.

Нутқ нуқсонини аниқлан ва бартараф этиш.

Ринолалия нуқсони ҳиллари ва уни аниқлаш, бартараф этиш йўллари.

Болаларда учрайдиган нутқ нүксонлари касалликлари: **ринолалия** ва **дислалия** нүксонларига бўлиб ўрганилади.

Ринолалия - димоқ билан гапириш, товуш талафузининг ноаниқ бўлиши, бузилиб айтилишидир. Ринолалия оғиз ва бурун бўшлиқлари ўртасида тўсик йўқлигиданёки бу бўшлиқлар битиб қолганлигидан далолат беради.

Артикуляцион аппаратнинг тузилшидаги камчиликларни дастлаб XIX асрда В.И.Олтушевсий ўрганиб, уларни таснифлаб, тегишли гурухларга ажратган. У товуш аппаратининг тузилишининг бузилиши туғма ёки ҳаёт давомида оттирилган камчиликларини механик **дислалия**, унинг бир тури деб **ринолалия**га таъриф берган.

Ринолалия **очиқ** ёки **ёпиқ** ёки иккаласи бирга қўшилиб **аралаш** ҳолда бўлиши мумкин. Унинг турларини аниқлаш учун боланинг оғзини очиб, артикуляцион нутқ аппарати кўздан кечирилади.

Очиқ ринолалияда танглайди ёриқ борлиги дарҳол кўзга ташланади, ёпиқ ринолалияни аниқлашда эса, бола гапириб турган вақтида бурни олдига ипга боғланган пахта бўлаги ушлаб турилади. Бунда бурундан ҳаво чиқмаслиги туфайли пахта бўлаги қимирамаса, ёпиқ ринолалияидан далолат беради. Ёпиқ ринолалияни аниқлашнинг яна бир йўли бола бурнининг тагига ойна қўйиш мумкин. Бунда ойна терламаса ёпиқ ринолалия дейиш мумкин. Ринолалия турларини аниқламай туриб, уни даволаб бўлмайди, нотўғри қўйилган ташҳис натижаси салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Очиқ ринолалия ҳам бошқа нутқ камчиликлари сингари **органик** ва **функционал** бўлади.

Органик очиқ ринолалия - товуш аппратидаги туғма ёки орттирилган нүксон, етишмовчилик туфайли юзага келмади. Туғма ҳилларининг келиб чиқишига сабаб, юмшоқ танглай, лаб кемтиклиги ва тилчанинг катталиги ва бошқалар.

Функционал очиқ ринолалия – бу соғлиги яхши бўлмаган, заиф болаларда мускул нерв аппаратининг яхши ишламаслиги, юмшоқ танглайнинг кам ҳаракатланиши натижасида нафас олишнинг бузилишидир.

Эшитиш функциясининг бузилиши, яъни қулоғи оғир болаларда ўз нутқини назорат қила олмаслик, дудуқланувчиларда оғиз бўшлиғидаги ўзгаришлар сабабли юмшоқ танглай кўтарила олмаслиги ҳам ринолалияга олиб келади.

Ёпиқ ринолалия – бу тур ҳам туғма ёки ҳаёт давомида орттирилган бўлади. Ёпиқ ринолалияининг ташқи белгиларидан бири бундай болалр доимо қочиб юради.

Ёпиқ ринолалия - ҳам бошқа нутқ камчиликлари сингари **органик** ва **функционал** бўлади.

Органик ёпиқ ринолалия – томок, бурун-ҳалқум бўшлиғи, бурун бўшлиқларидаги турли ҳил ўсимталар, шишлар ва бошқа касалликлар натижасида келиб чиқади.

Функционал ёпиқ ринолалия – фақат айрим товушларни ўзлаштириш вақтида пайдо бўлади, яъни бола айрим товушларни талаффузини ўрганиб

олгандан кейин, хорижий: инглиз, француз тилларидаги нутқ талаффузига тақлид қилиши функционал ринолалияни елтириб чиқариши мүмкін.

Ёпик ринолалияда бурун ундош “М” товушини , “Н”, “Н” товушини “Д” талаффуз этишади.

Аралаш ринолалия – Бунда ҳам очық ҳам ёпик ринолалия белгилари бирга құшилиб, бурун йўли тўсилиб қолгани устига танглай-ҳалқум пардисида этишмовчилик ҳам бўлади.

Ринолалияни даволашдан олдин товушларни бузиб, думоқда гапирилишига сабаб бўлаётган ҳолатни аниклаш зарур. Масалан, бемор бурун товушлари билан унлиларни бошқа товушларга қараганда думоғида талаффуз этажтган бўлса, демак, унда ёпик ринолалия ва даволаш ишлари шунга қараб олиб борилади.

Ринолалия касаллигида болаларнинг фонетик ўқуви етарли ривожланмаган бўлади, луғат бойлиги чекланган бўлгани учун мантиқий фикрлашга қийналадилар, хотиралари ҳам бирмунча паст бўлади. Нутқ ривожланиши йўлга қўйилгандан кейин бундай болалар ўз тенгдошларига этиб олишади. Бироқ ринолалия қолоқлик билан бирга учрайди ва бу ҳолат боланинг ривожланишида анча қийинчиликларга олиб келиши мүмкін, натижада бундай болалар ёрдамчи мактаб дастурини ҳам қийинчилик билан ўзлаштирадилар.

Нутқни ривожлантирувчи МТМдан олинган маълумотга кўра муассасага келган 3-4 ёшли ринолалик болалар ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан ривожланишда бирмунча орқади қолган бўлади. Логопедик йўл билан кўрсатилган таъсир ва дори-дармонлар натижасида кейинчалалик бола 7-8 ёшга етганда ўз тенгқурларига этиб олади.

Дислалия ва унинг келиб чиқиш сабаблари

Дислалия – (дис- издан чиқиш, бузилиш, лалия - нутқ) товушларни нотўғри талаффуз этиш. Келиб чиқиш сабабларига кўра **механик** ва **функционал** турларга бўлинади. Нутқ аппаратининг тузилишидаги ўзгаришларига алоқадор талаффуз камчиликлари **механик** дислалияга олиб келади. Масалан, тил тагидаги юнганчанинг калта бўлиши, тилнинг иккига бўлинганлиги натижада товушларни нотўғри талаффуз қилиш қийинлашади.. Боларнинг катталар нутқига (нуқсон билан талаффуз қиласиган) талаффузига тақлид қилишда **функционал дислалия** ўзгаришлари пайдо бўлади. Бу боланинг физиологик ривожланишига ҳам боғлиқ.

Дислалик боланинг қулоғи яхши эшитади, уларда бошқа ҳеч қандай камчиликлар кузатилмайди.

Нутқ камчилигини бартараф этиш йўллари

Логопедиянинг асосий мақсади турли ҳил нутқ фаолияти: оғзаки, ёзма нутқаги камчиликларни, шунингдек, мустақил гапириш жараёнида, ўйин, ўқитиши жараёнлари, жамият ишларида талаффуз нуқсонларини бартараф этиш, тўғрилаш, йўқотишишdir.

Логопедик таъсирнинг асосий воситаси – махсус усулларни қўллаш, тўғри тузилган нутқ машқлари комплекслари ва товуш гимнастикасидан фойланишдир.

Товушлар талаффуз нуқсонларини бартараф этиш, тўғрилаш, йўқотииш иши 4 йўналишда олиб борилади:

1. Тайёрлов даври;
2. Товушлар талаффузини йўлга қўйиш (товушлар пастановкаси);
3. Товушларнинг осон, яъни ўз-ўзидан талаффуз этиладиган бўлишига эришиш;
4. Алмаштириладиган товушларни бир-биридан фарқ қилиш эришиш.

Тайёрлов даврида масалан, тил тагидаги юнганданинг калта бўганлиги сабабли бола “р” товушини тўғри талаффуз этмаса, тил учини теппага кўтара олмаса, юнгандани товуш машқлари ёрдамида ўз ҳолига келтириш, чўзиш мумкин. Тайёрлов даври ҳар доим ҳам ўтказилиши шарт эмас, баъзан биргина оддий машқ билан товушнинг ўз-ўзидан талаффуз этиладиган бўлишига эришиш мумкин.

1. Тайёрлов босқичида товуш аппаратиниг ҳаракатчанглигини яхшилаш, нафасни машқ қилиш. Тақлидчангликни ривожлантириш ва кейинги босқичларда зарур бўладиган бошқа кўникмалар тарбияланади.
2. Агар бола талаффузида камчиликлар бўлса, энг аввал нотўғри талаффуз этиладиган товушни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш, яъни товушни йўлга қўйиш усти иш олиб бориш.
3. Ўрганилган янги товушни бўгин, сўз, гапларда, умуман нутқ фаолиятида тўғри қўллашга ўргатиш.
4. Янги ўрганилган товушни бошқа ўрганилаган товушлардан ажратади билишга ўргатиш мазкур бошқичда ўтказилади.

Товушларни турли ҳил усуллар ёрдамида тўғри талаффуз қилишга ўргатиш мумкин, Масалан,

Тақлид усули. Бунда логопед ойнага қараб керакли бўлган товушни талаффуз этади, лагопад эса унинг ҳаракатига тақлид йўли билан товуш талаффузини такрорлаб, ўрганиб боради.

Механик усул. Логопед бола тўғри талаффуз эта олмайдиган ўхшаш товушни масалан, болага “к” товушини тўғри талаффузини ўргатмоқчи бўлса, унга та-та-та бўғинларни такрорлаш вазифасини беради. Бунда тил уни пастки тишларга тегиб туриши керак. Шу пайтда логопед шпатель ёки зонт ёрдамида тил учини аста босиб, тилни оғиз ичкарироғига итариши. Бунда аста секин та – тя – кя - ка каби товушлар чиқади. Шунингдек, “д” товуши талаффузидан фойдаланиб, “г”, “с” товушидан фойдаланиб “х” товушини талаффузини йўлга қўйиш мумкин.

Аралаш усул. Бу усул тақлид, механик ва тушунтириш ишларини ўз ичига олади. Маслан, логопед “с” товуши талаффузини ўргатаётганда тил, тиш лаб қандай ҳолатда бўлиши кераклиги болага тушунтиради. Бола бунга тушунса ҳам, ихтиёрий ҳаракат малакаси яхши ривожланмаганлиги туфайли тилни

керакли ҳолатга келтира олмайди, натижада логопед шпател воситасида ёрдамга келади.

Логопед машғулотларни бир хафтада камида 3 марта ўтказиши керак. Машғулотларни ташкил этишда оддийдан мураккабга ўтиш тамоилига риоя қилиш лозим.

Махсус таълим тизими.

Махсус муассасалар ва унинг мақсад ва вазифалари.

Махсус муассасалар фаолияти халқ маорифи вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Низом асосида белгиланиб, ёш авлодга тарбия, умумтаълим фанларидан билим бериш ҳамда меҳнат тайёргарлигидан ўтишни кўзда тутади. Махсус муассасалар таълим-тарбия жараёнини анамол болани ўрганиш асосида режалаштиради. Аномал болаларнинг жисмоний ва руҳий нуқсонларини тузатади, уларнинг ҳаракат системаларини тўғрилаб боради, билиш фаолиятларини шакллантиради ва шулар асосида ўқувчиларда характер ва маданий-атвор мезонларини тарбиялаб боради. Шу бирга у аномал болаларнинг ота-оналари, жамоатчилик билан ҳам тарбиявий ишларни амалга оширади.

Мактабни битириб кетган ўқувчилар билан ҳам мунтаззам алоқа боғлаб, маълумотлар йиғиб боради. Уларни ишга жойлашишларига, ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларига ёрдам беради.

Соҳасидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиб, амалиётга жорий этиб, оммалаштириб боради.

Махсус муассаса педагоглари маориф тизимида ишлаётган барча педагоглар фойдаланадиган ҳукуқлардан фойдаланадилар. Шу билан бирга нуқсонли болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг бирмунча мураккаблиги, турли-туманлиги ҳисобга олиниб, ҳукукматимиз томонидан эътиборга олиб, уларнинг маошларини бир мунча юқори қилиб белгилаган.

Аномал болалар ёрдамчи мактабда барча умумтаълим фанлари асослари борасида маълум ҳажмда амалий ва назарий билимлар оладилар, шу билан бирга касбий меҳнат малакаларини ҳам эгаллаб борадилар. Ёрдамчи мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнида тузатиш ишлари тизимини амалга оширади. У ишлар болардаги ривожланишнинг потенциал имкониятларига асосланиб, аномал бола шахсини атрофлича шакллантиш, билиш фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутади.

Болалар орасида учраб турадиган нуқсонликларни (карлик, кўрлик, ақли заифликни) бартараф этиш ижтимоий масалалардан бири бўлиб, бу ишни давлатимиз назоратида амалга ошириширилади ва бу соҳага катта эътибор билан қаралади. Ўзбекистонда ЮНЕСКО нинг таълим бзўйича маслаҳатчиси ёрдамида “Оила” илмий –педагогик маркази, “Ногирон фарзандли оила”лар жамияти, “Умид” маркази,ро “Оперейшин Мерси” ташкилоти, “Кенес” реабилитация ва меҳнат адаптацияси маркази, “Беғуборлик” ижтимоий бирлашмаси ва шу каби марказлар ташкилилланиб, улар ёрдамида имконияти

чекланган болалар билан олиб борилаётган ишларда талайгина мувоффактятларга эришилмоқда.

Айрим чет мамлакатларида нұқсонли болалар таълимтарбияси билан хусусий муассасалар, диний ташкилотлар, нұқсонлиларга ёрдам жамиятлари ҳамда айрим махсус мактаблар шуғулланади. Улардаги таълимтарбия ишлари қатъий тизим асосида олиб борилмайди. Бизда ёрдамчи мактаблар оммавий мактаблар сингари ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг жамиятнинг фойдали кишиси қилиб етишишиган ёрдам беради. Шу билан бир қаторда ёрдамчи мактабларнинг махсус, хусусий вазифалари ҳам мавжуд. Уларга аномал ўқувчиларнинг психофизик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга алоҳида ёндашиб, билим бериш орқали билиш жараёнларини тузатиб боришга эришилмоқда. Аномал болалр нафакат ёрдамчи мактабларда турли ҳил касбий меҳнат кўникмаларини, балки улар махсус касбхунар коллежларида ҳам ўқув фаолиятларини давом эттиришлари мумкин. Ёрдамчи мактабларда даволаш ишлари таълим-тарбия ишлари билан биргаликда олиб борилади.

Махсус мактабларда таълим-тарбия жараёнининг моҳияти

Ёрдамчи мактаблардаги таълимнинг умумий вазифалари аномал болалар нұқсонларини тузатиш вазифалари билан олиб борилади. Шу сабабли ёрдамчи мактаблардаги таълимнинг асосий зарурий ҳусусиятларидан бири унинг нұқсонни тузатишга йўналганлигида бўлса, иккинчи ҳусусияти, унинг боланинг ривожларишида ўзиган хос амалга оширилишидадир. Аномал бола кам ривожланган эмас, балки, ўзгача ривожланган ва ривожланаётган боладир. Унинг ривожланиша нұқсоли равишда боради. Нұқсонли боланинг билиш фаоллиги ва мустақиллиги бир мунча паст бўлади. Бу камчилик уларнинг бевосита хаёт қийинчиликларига дуч келганларида намоён бўлади.

Меъёрдаги оммавий мактаб ўқувчилари маълум воқеаларга эътибор бериб, улар ҳақида билим эгалласалар, аномал болалар бу воқеаларни сезмасликлари мумкин. Бу ҳолат ёрдамчи мактаблардаги таълим-тарбияни қийинлаштиради. Шунга қарамасдан, ёрдамчи мактаб таълими бу ўқувчиларда фаоллик, мустақилликни ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Ёрдамчи мактаб таълимининг навбатдаги ўзига хос ҳусусияти таълим назарияси ва амалиётининг боғлиқлигидир. Ёрдамчи мактаб таълими амалий йўналишга эга. Амалиёт аномал болаларнинг назарий билимларини эгаллашларига ёрдам беради ҳамда улар амалиётда қатнашиб, назарий билимларини ошириб борадилар.

Ёрамчи мактаб таълимининг кўргазмалиги ҳам унинг ўзига хос томонларидан биридир. Маълумки, кўргазмалилик идорк ва тасаввурларни тузатишга имконият яратади. Шу сабабли ёрдамчи мактабларда кўргазмалилик оммавий мактаблардан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Аномал болалар кўргазмалилик орқали нарса, воқеаларнинг ички моҳиятини тушуниб борадилар. Шу орқали уларнинг фикрлаш фаолиятлари туғриланиб боради. Ҳар қандай кўргазмалилик билан мақсадга эришиш мумкин. Кўргазмалилик оғзаки

тушунтиришлар билан намойиш этилсагина, кутилган мақсадга эришиш мумкин. Шундагина аномал болаларнинг нутқи, тафаккури бирга ривожланиб боради. Ёрдамчи мактаб таълими жарёнида аномал болаларнинг фаол эмаслигининг, мустақил ишлашларининг чегаралангандигини эътиборда тутиш керак.

Аномал болалардаги бу ҳусусиятлар ёрдамчи мактаб таълимининг охирида ҳам нормал тенгдошларига етолмайди. Шу сабабли ёрдамчи мактабнинг барча синфларида ўқитувчилар бу камчиликларни бартараф этиб боришлари керак.

Махсус мактабларда ўқитишни ташкил этиш – дарс ва дастурлари

Ёрдамчи мактабларда таълим жараёнини ташкил қилишнинг индивидуал ва гурухли шаклларидан фойдаланилади. Асосан синф дарс тизими қўлланилади. Педагогика фанининг тарққиётида алоҳида ўринга эга бўлган буюк чех педагоги Ян Амос Каменскийнинг “Буюк дидактика” асарида биринчи марта дарс масаласи атрофлича очиб берилди. Кейинчалик қатор олимлар дарснинг турли шаклларини ривожлантирилар. Оммавий мактабларда бўлгани каби ёрдамчи мактабларда ҳам ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал ҳусусиятларига асосланиб маълум гурухларга бирлаштирилади. Ёрдамчи мактабларда дарсга қўйиладиган асосий дидактик талаблардан бири тузатиш ва тарбиялашда корекцион йўналтирилганлигидадир.

Таълим жараёнода ўқувчилар нарса ва воқеалар билан таниширибина волмасдан, балки улар ҳақида фикрлайдилар ҳам. Бу эса ўз навбатида, болаларда табиатнинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимларининг шаклланишига олиб келади.

Агар ўқувчилар билимларни эгаллаш вақтида фикр юритсалар таққосласалар, хулоса қилсалар, ўз фикрларини баён этсалар, унинг тарбиявий томони янада ортади. Дарсдаги ўқув материалларининг ҳажми ўқувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда махсус дастур талабларида белгиланган.

Махсус мактаб ўқувчиларининг диққаининг турғун эмаслиги тез чарчашлари сабабли дарс жараёнода турли фаолиятлардан фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, қўргазмали, оғзаки ва малий иш усулларини бирга қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ёрдамчи мактабларда ўқувчилар билан ишлашнинг яна бир муҳим томони улар билан индивидуал, гурухли, фронтал ишларни тўғри қўшиб олиб боришдир.

Индивидуал ва гурухли машғулотлар ўқувчилардаги қолоқликни енгишда муҳим аҳамиятга эга. Қолоқ ўқувчилар ўқув индивидуал ва гурухли тарзда фаолиятиниг мунтазам назорат қилиниши: уй вазифаларини қандай бажарганликларини, улар билан қўшимча машғулотлар олиб бориш, тез-тез доска чиқариш, уларни вақти вақти билан қуллаб қуватлаш, рафбатлантириш, керак бўлса танбех барис - буларнинг ҳаммаси қолоқликнинг олдиниолиш ёки кетказиш тадбирларидир.

Шундай қилиб ёрдамчи мактабларда дарсларга қуидаги дидиктик таблаблар күйилади:

1. Дарснинг (коррекциялаш), тарбиявий ва таълимий мақсадлариниг узлуксизлиги, ажралмаслиги;
2. Дарснинг ҳар бир қисми учун услуг ва ўқув материалининг тўғри ианлаш;
3. Кенг кўламли ва гуруҳли, индивидуал ишни қўшиб олиб бориш;
4. Дарснинг ташкилий аниқлиги;

Ёрдамчи мактабларда дарслар дидактик талабларга кўра қуидагича ташкилланади:

1. Янги билимбериш дарси;
2. Аralаш дарслар;
3. Амалий дарслар (дарсни мустаҳкамлаш ва эгаллаган билимни амалда қўллаш);
4. Назорат, ҳисобга олиш дарси;
5. Умумлаштириш, такрорлаш дарси.

Ёрдамчи мактабларда дарслар асосан нуқсонни тузатиш мақсадини кўзлайди.

Шунинг учун ўқитувчи дарсга тайёргарлик қўришда ўқувчининг билим кўнико ва малкасини ҳисобга олиш билан бирга унинг текшириш усуслари ва уларни турларини ҳам ишлаб чиқади. Дарснинг режаси билан бирга ўқитувчи унинг қисқача мазмунини ҳам конспектлаштиради. Дарснинг режаси қуидаги элементларни ўз ичига олади.

1. Дарснинг мавзуси.
2. Дарснинг асосий дидактик мақсадлари: таълимий, тарбиявий ва нуқсонни тузатиш вазифалари.
3. дарда фойдаланадиган жиҳозлар;
4. Дарснинг тузилиши, яъни дарснинг қисмлари ёки бошқичлари, уларнинг кетма-кетлиги ва ўтказиш учун кетадигин вақтни тахминан аниқлаш;
5. Янги материални ўрганиш, мустаҳкамлаш, такрорлашга оид ва янги мавзуни ўрганишга оид ишлар;
6. Дарснинг ҳар бир қисмида бажаотладиган ўқув ишининг метод ва усуслари;
7. Дарснинг боришида ўқувчилар олиб бориладиган индивидуал ишнинг, сўралиши керак бўлган ўқувчиларнинг фамилиялари;
8. Ўқувчилар билимини баҳолаш;
9. Уй вазифаси.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг тарбиялаш усуслари

Тарбия узоқ давом этадиган ва аслида узлуксиз жараён бўлиб, бу жараён бола мактабга келишидан илгариёқ бошланади ҳамда бутун умр буйи двом этади. Тарбия жараёнининг натижалари одатда бир ҳил характерда бўлмайди. Бу нарса кўпгина сабабларга болаларнинг индивидуал, типологик тафовутларига, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажрибасига, шахсий муносабатига боғлиқ.

Шунинг учун бир ҳил тарбиявий таъсирнинг ўзи “шахснинг ҳиссий ларзага келишига” олиб келса, айни вақтдъ бошқа бола маънавий дунёсига таъсир қилмаслиги мумкин.

Тарбия жараёни одатда, қайта тарбиялаш аномал боланинг атроф-муҳитда у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва шахс ҳусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади. Юксак даражага эришадиган тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш вазифасини бажаоадиган тарбиядир. Тарбия диалектик жараён эканлигини унтмаслигимиз даркор. Бола атроф-муҳитнинг мураккаб олами билан ҳилма ҳил муносабатларга киришади. Мавжуд тарбия жараёнида бу ҳолатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Бу ҳолат тарбия жараёнига пухталиқ, жўшқинлик, ўзгарувчанлик олиб киради. Тарбия воситаларининг ҳеч бири доимий бўла олмайди.

Тарбия жараёни илмий асосланган тарзди олиб бориш учун унинг қонуниятларини чуқур ўрганиш талаб қилинади. Бу қонуниятлар вазифаларининг муайян ривожланиши учун шароит яратувчи сабаб ва оқибат ўртасидаги муҳим, зарур ички алоқаларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Л.С Виготскийнинг таъкидлашича болани максимал даражадага ижтимоий мавжудод деб аташ мумкин. Боланинг ташқи дунёга ҳар қандай, хатто энг оддий ибтидоий муносабати ҳам ҳамиша бошқа одамга муносабат орқали акс этган бўлади. Кўпгина фактлар, нарсалар шандан далолат берадики, бола қўлидаги ўйинчоқ кўпинча катталар билан муомала воситаси бўлади. Болалар катталардан ёрдам олиш эмас, балки муомалага бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳам ўйинчоқка мурожаат қиласи. Аномал болалар муомаласи улар фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, бунда бошқа бир одат нарса сифатида намоён бўлади. Бу фаолиятда муайян мазмун (ўқиши, дарс тайёрлаш, модел ясаш, гаплашиши, сайрга чиқиши) бошқа болалар билан муомала усулигина ҳисобланади. Ёшлардаги муомала тенгдошларини ва ўзига билишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласи.

Аномал ўқувчи шахс бўлиб етишиши учун фаолият турлари тўғри ташкил этилган бўлиши керак. Шакланаётган шахс фаолиятининг асосий турлари коррекцион педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этилган тақдирдагина тарбиявий жараён воситалари бўла олади.

Ёрдамчи мактабларда турли фаолиятлар ичида **ўйин** алоҳида аҳамиятган эга. Ўйин жараёнида бола ўз кучларини синайди ва ўзи яратган нарсаларга мустақил равища эгалик қиласи. Аномал болаларнинг ўйин фаолияти мактабгача бўлган ёшда вужудга келиб, ўз ривожланишида ибтидоий тақлиб қилиш шаклидан то мураккаб ролли ўйингача бўлган йўлни босиб ўтади. Дастреб болалар ўйинларида катталарнинг предметлар билан бўлган фаолиятларини акс эттирасалар кейичалик ўзаро муносабатларини, ижтимоий юриш туриш нормалари ва қоидаларини акс эттирадилар. Кузгатишларнинг кўрсатишича ўйин вазиятлари болаларнинг ҳиссий идрокини бойитади, қизиқишини оширади, тасаввур, фикр юритиш фаолиятларини ривожлантиради ва ўзларининг истак ва кайфиятларини муайян талабларга бўйсундиришга ўргатади.

Ўйинда ихтиёрийлик асосий рол ўйнайди, меҳнат эса, кўпинча мажбурий характер касб этади. Ўйинга киришиш болаларнинг истаклариға боғлиқ бўлади, меҳнат фаолияти эса, бурчга асосланади. Аммо хоҳиш, ихтиёрийлик, истак бўлмаган меҳнат болага оғир ботади. Шу мазмундаги ўйин ҳма мажбурий тус олади. Аномал болага ёқмайди. Ўйин юзаки қараганда, беташвиш, енгил туюлади. Аслида эса, ўйин ижроидан ғайрат, бардош, уюшқоқликни талаб этади. Шуни қайд этиш керакки, ҳар қандай ўйин тарбия воситаси бўла олмайди. Ўйин фаолиятига педагогик раҳбарлик наомал бола эътиборини астасекин, лекин тобора қўпроқ ўйин ўрнини эгаллайдиган меҳнат соҳасига босқияма-босқич қаратишни тақозо этади.

Аномал болаларнинг **ўқишиш фаолияти** ўзига хослиги билан ажralиб туради. Ўқишиш меҳнатнинг энг мураккаб тури - **ақлий меҳнатга** асосланади. Аномал ўқувчиларда билимларни, малака ва кўнималарни эгаллаш ўқув жараёнидагина эмас, балки ўйин ва меҳнат жараёнida ҳам рўй беради. Аномал балалар меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятини тушуниб етмаганликлари учун ҳам уларда меҳнатга салбий муносабатлар ҳам шаклланади. Амчи мактаб ўқитувчилари ва тарбиячилари болаларнинг меҳнат фаолиятларини и тўғри ташкил эта олсалар, бу фаолияти тарбиянинг етакчи воситаси сифатида қўлланишай мумкин.